

Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgt.uz, info@uzssgt.uz • 2013 йил 12 апрель • № 15 (932)

Халқаро кўргазма



ЗАМОНАВИЙ ТИББИЁТ ИМКОНИАТЛАРИНИНГ ТАҚДИМОТИ

Куни кеча “Ўзэкспомарказ” кўргазмалар залида Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш ҳафталиги доирасида “Соғлиқни сақлаш – ТИМЕ” ўн саккизинчи Тошкент халқаро тиббиёт, “Аптека экспо Марказий Осиё” саккизинчи ҳамда “Stomatology Uzbekistan” тўққизинчи халқаро кўргазмалари ўз ишини бошлади.

Мазкур кўргазмалар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирликлари, Савдо-саноат палатаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, “Ўзфармасаноат” ДАК, “Ўзтибтехника” МЧЖ, Стоматологлар уюшмаси томонидан “ITE Uzbekistan” компанияси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазир А. Алимов ва бошқалар мамлакатимизда тиббиёт муассасаларини бунёд этиш, реконструкция қилиш, замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлаш борасидаги фаолиятлар аҳоли саломатли-

гини муҳофаза қилиш ҳамда муштаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этаётганлигини эътироф билан таъкидладилар. Шунингдек, Президентимиз томонидан 2011 йил 28 ноябрда қабул қилинган “Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарор тизимдаги фаолиятлар янада самарали кечишида асосий омил бўлиб хизмат қилаётганлиги ҳам алоҳида тилга олинди. Шу ўринда таъкидлаш муҳимки, мамлакатимизда “Саломатлик-3” лойиҳаси амалиётга самарали татбиқ этилмоқда. “Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш ҳафталиги”нинг ҳар йили ўтказиб келинаётган-

лиги катта аҳамиятга эга бўлиб, бу жараёнда ташкил этилаётган кўргазмалар тиббий ислохотларни амалга оширишда халқаро ҳамкорлик кўламини кенгайтиришга хизмат қилмоқда десак, янглишмаган бўлаемиз.

Ушбу кўргазмада Австрия, Беларусь, Бельгия, Буюк Британия, Германия, Ҳиндистон, Венгрия, Италия, Жанубий Корея, Қозоғистон, Польша, Туркия, Россия, Хитой, Украина, Чехия, Швейцария каби йигирмадан зиёд мамлакатдан бир юз олтмишдан зиёд корхона ва ташкилот ўз маҳсулотлари билан иштирок этмоқда.

Айтиш муҳимки, уларнинг орасида тиббиёт ускуналари ишлаб чиқариш ва етказиб бериш бўйича дунёда етакчи мавқега эга бўлган ўнлаб компаниялар бор.

(Давоми 2-бетда).

Дил изҳори

Ўз касбининг моҳир устаси, меҳрибон ва камтарин инсон, тажрибали шифокор Шаҳлохон Бойматова бир неча йилдири, Тошкент шаҳри, Учтепа туманидаги 9-туғруқ мажмуасида фаолият юритиб келмоқда. Яқинда келиним Мухлисахон фарзандлик бўлди. Она ва бола саломатлиги учун астойдил меҳнат қилган Шаҳлохон Бойматова ва унинг аҳил жамоасига ўз миннатдорчилигимни билдираман. Уларнинг масъулиятли ҳамда шарафли ишларига омадлар тилайман.

Тамара КАМОЛОВА, Тошкент шаҳри.

Аҳволимда жиддий ўзгариш бўлиб, Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказининг Наманган вилояти филиали мутахассисларига мурожаат қилдим. Ташхисим аниқлангач, тажрибали шифокорлар томонидан даво муолажалари ўтказилиб, саломатлигим тикланди. Наманган вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Неъматжон Қирғизов, Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказининг Наманган вилояти филиали директори Азиз Тошметов, хирургия бўлими бошлиғи Равшан Темиров ва даволоччи шифокор Икром Хўжамбердиев ҳамда бири-биридан чақон ҳамширалар хизматларидан мамнунлигимни изҳор этаман ва уларга оилавий хотиржамлик, ишларида эса ютуқлар тилаб қоламан.

Тошмуҳаммад ЎРОЗАЛИЕВ, Наманган вилояти.

ЯНГИЛИКЛАР

- хабар
- шарҳ
- таҳлил

НАМУНАЛИ ҚИШЛОҚ ВРАЧЛИК ПУНКТИ

Пискент туманидаги Новкент, Сатторобод, Сўзоқ, Пахтакон қишлоқларининг тўрт минг нафардан зиёд аҳолисига “Оқтепа” қишлоқ врачлик пункти сифатли тиббий хизмат кўрсатмоқда.

Муассасада рўйхатга олиш, муолажа, эмлаш, физиотерапия, дорихона, аёллар маслаҳатхонаси ҳамда кундузги даволаниш хоналари мавжуд. “Саломатлик-2” дастури асосида замонавий тиббий жиҳоз ва аппаратлар билан таъминланган мазкур ҚВПда яратилган шарт-шароитлар аҳолига манзур бўлиб, кундузги стационар шароитида даволаниш ҳам мумкин. Жорий йилнинг ўтган даврида ўттиз нафардан зиёд бемор шу ерда саломатлигини тиклади. Касалликни даволашдан кўра, унинг олдини олган афзал, деган тамойилга амал қилаётган қишлоқ шифокорлари профилактика ишларини кучайтирмоқда.

«БИЗ – БИР ЖАМОА, БИЗ – БИР ОИЛАМИЗ»

Сирдарё ва Бухоро вилоятларида “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси, “Келажак овози” ёшлар ташаббуслари маркази, “Аёллар кенгаши” жамоат бирлашмаси, “Ҳаёт учун” кўкрак беши саратони миллий уюшмаси, вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида “Биз – бир жамоа, биз – бир оиламиз” ижтимоий акцияси ўтказилди.

Кўкрак беши саратонига чалинган аёллар саломатлигини тиклашга моддий ва маънавий кўмаклашиш мақсадида ташкил этилган мазкур йирик лойиҳада вилоятнинг турли ҳудудларидан кўплаб ёшлар, жамоатчилик вакиллари фаол иштирок этди.

– Бундай тадбирлар биз, ёшларни меҳр-оқибатли бўлишга, ҳамжиҳатликка ўргатади. – дейди Гулистон компьютер ва ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежи 3-босқич ўқувчиси Бобур Абдухалилов.

– Ушбу лойиҳада иштирок этиб, ишга жойлашиш учун ҳужжатларни расмийлаштириш бўйича маслаҳатлар, йўл-йўриқлар олди, – дейди Бухоро солиқ коллежи ўқувчиси Сайфулла Бахшуллаев. – Бу келгусида ишга жойлашишимизда бизга қўл келади.

Тадбир доирасида бўлиб ўтган “Дилемма” баҳс-мунозара тренингида ёшлар фаол иштирок этиб, долзарб мавзуларда фикр алмашишди. Нафақат ёшлар, балки катталарда ҳам қизиқиш уйғотган акция “Ҳаёт учун!” футбол-шоуси ва эстрада хонандаларининг концерт дастури билан яқунланди.

Шунингдек, ушбу акция Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Хоразм вилоятларида ҳам ўтказилди. Унда кўплаб ёшларимиз фаол иштирок этиб, бундай тадбир уларнинг баркамол ҳамда ҳар томонлама интеллектуал бўлишларида муҳим аҳамият касб этишини дилдан ҳис қилдилар.

ЭЛ СОҒЛИГИ – ЮРТ БОЙЛИГИ

Наманган вилояти ревматология сихатгоҳида Бутунжаҳон саломатлик куни муносабати билан турли тадбирлар бўлиб ўтди.

Маънавий-маърифий тадбирлар чоғида оилада тиббий маданиятни юксалтириш, аҳолининг саводхонлигини ошириш масалалари кун тартибидан ўрин олди. Муассасанинг маънавий-маърифий ишлар бўйича масъул ходими Умида Ўринова ёшларни маънавий таҳдидлардан асраш, айниқса, “Оммавий маданият”нинг салбий оқибатларидан воқиф этиш мавзуида ўз фикрларини билдириб ўтди. Кун давомида сихатгоҳда соғлигини тиклаётган болалар ўртасида турли спорт мусобақалари ўтказилди. Шахмат-шашка, стол тенниси ва бошқа турлар бўйича беллашувларда келажакимиз ворислари фаол иштирок этдилар.

ЗАМОНАВИЙ ШИФО МАСКАНИ

Фаргона шаҳридаги Бурхониддин Марғилоний номли кўчада “DAVR MEDICAL CENTRE” хусусий шифо клиникаси фаолият кўрсата бошлаганига кўп вақт бўлгани йўқ. Ҳозирда шифо масканида замонавий ташхис қўйиш воқитлари, УЗИ аппарати ишлаб турибди.

Шунингдек, клиниканинг кундузги даволаниш бўлимида 20 нафар бемор шифо топиши учун зарур шарт-шароит яратилган. Яқинда бу ерга энг илғор тиббиёт ускунаси – компьютер томографияси келтирилиб, аҳолига намунали тиббиёт хизмати кўрсатилмоқда.

Ахборот агентликлари ва ўз мухбирларимиз материаллари асосида тайёрланди.

Изланувчан ёшлар

ИҚТИДОР ВА ЕТУКЛИК

2012 йил 24 июлда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги 4456-сонли Фармони алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, унинг ижросини таъминлаш илмий тадқиқотлар сифати ва самарадорлиги, олимлар меҳнати унумдорлигини оширади, эришилган натижаларни тезроқ амалиётга жорий этилишини таъминлайди. Бу фармон изланувчан ёшларга янги умид бахш этди, тўғридан-тўғри фан доктори бўлиш имконини берди. Бундай иқтидорли ва етук ёшлардан бири Тошкент фармацевтика институтининг катта илмий ходим-изланувчиси Авез Шариповдир.

Эндигина йигирма олти ёшга кирган Авез Шарипов саккиз йилдирки – таркибида олтингургурт сақлаган дори воситалари, уларнинг технологияси, стандартланиши устида тадқиқотлар олиб боради. У илк бор табиий газни қайта ишлаш жараёнида чиқадиган техник олтингургуртни адсорбцион усулда тозалаш технологиясини ишлаб чиқди, фармацевтика саноати учун зарур бўлган тозаланган олтингургурт олишни таклиф этди. Яратган усул янгилиги учун Ўзбекистон патент идорасининг IAP 03824 рақамли патентини олишга муяссар бўлди. Осон, арзон усулда олинган олтингургурт 99,7 фоиз тозаликка эгалиги Авезнинг кейинги илмий изланишлари учун дастурий режа бўлиб хизмат қилди. Аввало, у тозаланган олтингургуртни турли сирт фаол моддалар иштирокида нанозаррачаларгача майдалаб, юқори

дисперсли олтингургурт субстанцияси ва унинг асосида янги олтингургурт суртмасини ишлаб чиқишга эришди. Шуниси эътиборлики, Авез олган суртманинг яллиғланишга қарши таъсири мавжуд суртмаларникидан 30-40 фоизга юқори эканлиги аниқланди. Янги илмий йўналишни танлаган ёш олим, олтингургурт сақловчи дори воситаларини стандартлаш учун ҳам осон ва аниқ спектрофотометрик усулни ишлаб чиқди. Ҳозирда бу усул барча олтингургурт сақлаган дори воситаларининг микдорий таҳлилида қўлланилмоқда.

Талабалик давридаёқ ижодга қизиққан ёш олим бакалавриятни аъло баҳоларга битиргач, магистратурани тугатиб, йигирмадан ортиқ илмий ишлар чоп эттирди. Авез Шарипов эндиликда Тошкент фармацевтика институтининг катта илмий ходим-изланувчиси, яхши ниятлар билан докторлик дис-



сертациясини ёқлашга бел боғлади. Шу билан бирга, фармацевтика фанининг янги уфқларини очди. У маҳаллий хом ашёдан ўзи ишлаб чиққан тозаланган олтингургуртни бета-, гамма циклодекстринлар ичига жойлаштириш ва олтингургуртга хос нохуш хид ҳамда мазани бартафат этишга муваффақ бўлди. Бу янгилик ҳам ихтиро деб тан олинди ва патент идорасига патент олиш учун тегишли материаллар тақдим этилди. Ҳозирда олтингургуртга гамма циклодекстриннинг дори шаклининг технологияси ишланмоқда.

Авез Шарипов яқинда яна бир устувор илмий йўналишга қўл урди. У таркибида олтингургурт сақловчи антикоа-

гулянт, антиагрегат хусусиятга эга қон суюлтирувчи "Аллтромбосепин" дори воситасини яратди. Ҳозир бу дори воситаси ҳам кенг миқёсда синовлардан ўтмоқда.

Изланувчан ёш олимнинг патентбоп ишланмалари ҳали кўп. У фармацевтик кимё, технология, тиббиёт ва биотехнология фанлари туташган жойлардан янгилик излайди ва амалиётга жорий этиш чораларини кўради, шунингдек, эришилган ютуқларда тадқиқот кўламини кенгайтириб боришни ёқтиради.

"Илм-фан тараққиёти унинг олимлари меҳнати ва улар яратган кашфиётлар қиймати билан белгиланади", деган эди Луи Пастер. Шундай экан, бугунги кунда юртимизда ҳар бир соҳада илмий салоҳият йўлида ўз изланишлари ила фанга янгилик олиб кираётган иқтидорли ёшларимиз билан қанчалик фахрлансак арзийди. Бу борада фармацевтика йўналишида ҳам самарали ютуқларга эришяётган ёш олимларнинг ишлари фанимиз келажиги ва равнақи порлоқ эканидан далолат беради.

Собиржон АМИНОВ,
Ўзбекистон фан
арбоби, профессор.

Лауреаты Государственной стипендии Президента Республики Узбекистан

ЧТОБЫ ВСЕГДА ЧУВСТВОВАТЬ СВОЮ ВОСТРЕБОВАННОСТЬ

Заканчивая школу, я встала перед выбором: идти дальше по направлению физики-математики или посвятить себя естественным наукам? На самом деле мне удавалось и то, и другое. Но поскольку я выросла в семье инженеров, с раннего детства окруженная цифрами и чертежами, мне не очень-то хотелось всю жизнь посвящать формулам, числам и расчетам, что, собственно, и подтолкнуло меня к выбору профессии врача. Но тогда я и не догадывалась, что от цифр все же никуда не деться...

Скажу сразу: я вовсе не считаю себя лучше других, а своей номинацией обязана многим и, в первую очередь, родителям, которые никогда на меня не давили и не заставляли учиться, при этом не перечеркнули и моего интереса к образованию. Безусловно, очень благодарна маме, которая помогает воспитывать двоих детей, мужу, всегда поддерживающему меня во всех начинаниях. Конечно же, в Ташкентской медицинской академии – моей Alma Mater – я имела счастье учиться у преподавателей с большой буквы, которые сумели передать мне не только медицинские знания, но и толику врачебного такта, простых человеческих ценностей, осознать значимость взаимопонимания, взаимоуважения, взаимопомощи.

Сегодня совсем не зазорно стремиться быть умным, хоро-

шо учиться. В нашем потоке не было ни одного студента, который не стремился бы к знаниям. Все мы считали, что если человек принял решение поступить в вуз и обрести определенную профессию, он должен для этого сделать все, чтобы вобрать в себя как можно больше знаний и умения за этот, казалось бы, огромный, но на самом деле такой короткий промежуток времени – семь лет.

Никто никого не заставлял учиться. Мы учились, пропадали в библиотеке днями и ночами (а в наше время Интернет был доступен далеко не всем), потом появились дежурства. Со второго курса лечебного факультета я работала в отделении общей хирургии. Потом, когда появились мои научные пробы пера, стала выступать с докладами в студенческом научном обществе. Мой первый наставник Мирзахид Сабитович Абидов научил меня ра-

ботать с больными, привил любовь к научному труду. Как я узнала, он был учеником Васита Вахидова, стал первоклассным хирургом и – буквально – "отцом" всем своим ученикам.

Мне всегда везло с учителями. И когда я попала в среду эндокринологов, сразу ощутила твердую поддержку со стороны наставников. После окончания института прошла конкурс в клиническую ординатуру Республиканского специализированного научно-практического центра эндокринологии. Уже на первом курсе мне предложили научную работу, которая на стадии завершения. Работая в центре, я приобрела неоценимый опыт лечения пациентов с эндокринными заболеваниями. А ведь в специализированный центр зачастую поступают больные, которым по той или иной причине невозможно оказать адекватную медицинскую помощь по месту жительства. Мой научный руководитель профессор С. Исмаилов не только поощряет, но и всячески способствует развитию молодых специалистов. Ежегодные научно-практические конференции (кстати, в обязательном порядке одна из них посвящается деятельности молодых ученых) держат нас "на гребне волны", мы вниматель-

но следим за мировыми новостями в эндокринологии.

Особая роль в моем становлении как специалиста принадлежит Ферузе Абиловне Мухамедовой. В течение многих лет Ф. Мухамедова была научным секретарем РСНПЦЭ. В моей памяти она всегда останется человеком, на которого можно было равняться во всех отношениях.

Конечно, учеба в вузе, потом практическая и научная деятельность – это неимоверный труд, ежедневная работа прежде всего над самим собой. И все это для того, чтобы быть в гуще событий, происходящих в области медицины, обновлять свои знания, при этом не забывая и про общее развитие. Но это отнюдь не зубрежка книжного материала, а осознание того, что в нас вкладывали изо дня в день и со всей душой наши учителя, которые становятся со временем все роднее и ближе.

Студентам, которые только начинают свой путь в профессию, хотела бы сказать вот что. Когда я устраивалась на работу после окончания бакалавриатуры, вкладывала свое дипломное исследование, которое просто стрелой отлетело "отлично", подержала в руках разве что сотрудник отдела кадров, воз-



можно, даже не раскрыв его. Впоследствии никто ни разу не спросил меня об отметках, которые мне ставили в институте. Значит, для моих пациентов важны мои знания и умения.

Поэтому не гоняйтесь за отметками – это не самое главное в жизни. Выжимайте из преподавателей все знания, которые они вам могут дать, а отметки сами вас догонят. Уж поверьте мне.

Анна АЛИЕВА,
магистр кафедры
эндокринологии
Ташкентского
педиатрического
медицинского института.

Благодарность

Спасибо за заботу и участие

Хочу выразить искреннюю благодарность за профессионализм и чуткое отношение к людям коллективу семейной поликлиники № 52.

Эта поликлиника обслуживает жителей кварталов 9-12 массива Юнусабад. Врачи и медсестры часто посещают на дому ветеранов, людей с ограниченными физическими возможностями, системно проводится медицинский осмотр, и в первую очередь детей и женщин фертильного возраста. Кроме того, со-

вместно с махаллей организовываются беседы на актуальные темы здорового образа жизни.

Во всем этом, конечно же, большая заслуга главного врача Киме Шакировой, которая сумела сплотить дружный коллектив. Примечательно, что сегодня эта поликлиника занимает ведущее место в статусе лучшей.

От имени жителей
Юнусабада
Ю. ЧИРКУНОВ.

В декабре прошлого года с детьми находилась на лечении в инфекционной больнице города Чирчика. Хочу выразить огромную материнскую благодарность врачу этого лечебного учреждения Рашиду Мехритдинову за его

особую любовь к детям, желание оказать своевременную и квалифицированную медицинскую помощь каждому пациенту.

Благодаря его усилиям мои дети сегодня здоровы и радуются жизни.

Лайло ЖУРАЕВА.

Я, пенсионерка, гипертоник с большим стажем. Каждый год я

ложусь в клинику «Нуроний» на профилактику. В этом году в марте тоже проходила лечение в отделении кардиологии. От всего сердца хочу поблагодарить своего лечащего врача, завотделением Ш. Даминову, медсестер Рано, Ханифу, Мукарам, Мохиру и весь медперсонал отделения за их сердечность и добросовестность. А также главного врача М. Ризаеву, благодаря заботам которой в клинике созданы все условия для лечения.

Е. СЕМИЛЕТОВА,
город Ташкент.

Достижения медицины

ФИЗИКА НА СТРАЖЕ ЗДОРОВЬЯ

Более двухсот лет назад итальянский биолог Ладзаро Спалланцани совершил открытие, перевернувшее в дальнейшем всю медицинскую науку. Ранняя диагностика серьезных заболеваний, определение степени интенсивности развития недуга и эффективности проводимого лечения – это и многое другое сегодня возможно благодаря использованию врачами новейших устройств для инструментально-лабораторной диагностики. Научно-практический семинар "Инновационные технологии ультразвуковой диагностики", организованный Минздравом республики и ТаШИУВ, дал возможность специалистам в этой сфере глубже понять природу одного из высокоинформативных и безвредных методов медицинской визуализации. Кроме того, в ходе семинара акцент был сделан на новейшие тенденции развития ультразвуковых технологий, предоставляющих быструю и качественную информацию о состоянии исследуемых органов и тканей.



Хорошая материально-техническая база – одно из важных звеньев в цепочке дел, направленных на укрепление здоровья человека, улучшение качества первичной медико-санитарной и специализированной медпомощи населению. Как говорилось в ходе семинара, в настоящее время

в нашей республике практически все учреждения поликлинической помощи, родовспоможения оснащены портативными и мобильными ультразвуковыми приборами для обеспечения скрининга и своевременной диагностики заболеваний. Роль и значение ультразвукового компонента в ранней

диагностике заболеваний сердечно-сосудистой системы, молочных, щитовидных желез, внутренних органов неоспорима. Использование высокотехнологичных ультразвуковых приборов способно обеспечить раннюю и уточняющую диагностику в онкологии, урологии, офтальмологии и многих других областях медицины. И горизонты применения этого метода в клинической практике постоянно расширяются. Так, ультразвуковые приборы экспортного и премиум-класса позволяют изучать тонкие структуры сосудов и тканей, высокоэффективны в исследовании головного мозга при подозрении на различные изменения у новорожденных и детей раннего возраста.

С основными вехами истории нашей отечественной ультразвуковой науки, а также общемировыми достижениями в этой сфере присутствующих познакомил заведующий кафедрой ультразвуковой диагностики Российской медицинской академии последипломного образования, президент Российской ассоциации специалистов ультразвуковой диагностики в медицине, профессор Владимир Митьков. Он рассказал о таких современных тенденциях в УЗД, как многоручное сканирование, матричные датчики, а также пока экспериментальные мономолекулярные датчики, для которых требуются компьютеры нового поколения, трехмерная эхография, применение для исследований контрастных веществ, а также технология "Fly throw" (что

можно перевести как "Внутренний мир").

Доклад доцента Севары Фазыловой был посвящен еще одной актуальной на сегодняшний день теме – "Инновационные технологии ультразвуковой маммографии". Как отметила С. Фазылова, сегодня рак молочной железы у женщин занимает в мире, а также Узбекистане, лидирующее место по заболеваемости и смертности. Большим вопросом сегодня остается ранняя диагностика этого опасного заболевания (на первоначальной стадии она составляет все-

черкнула в разговоре с нами Севара Фазылова, помогают выявить на ранних стадиях не только рак молочной железы, но и другие патологии органов и систем.

В рамках встречи были обсуждены такие темы, как ультразвуковое исследование при заболеваниях почечных сосудов, современные технологии УЗД злокачественных опухолей органов гениталий, ультразвуковая эластография и другие. Также для специалистов организован мастер-класс на ультразвуковом при-



го 10-15 процентов). На решение этой проблемы направлен проект "Во имя жизни", а также использование таких новейших методов исследований, как соноластография, 3D и 4D – объемная реконструкция, контрастная эхография. Все эти методы, уже используемые в отечественной практике, под-

боре премиум-класса фирмы "Тошиба медикал системз" (Япония). Семинар стал одним из важнейших шагов в улучшении качества высококвалифицированной медпомощи и будет способствовать дальнейшему укреплению связей между коллегами из разных стран.

Международное сотрудничество

ФОРМУЛА ЛЕКАРСТВЕННОЙ ПАНАЦЕИ

Медикаментозные препараты способны принести нам исцеление от многих недугов. Но они же, соединяясь между собой в организме человека, могут привести к необратимым последствиям, превратиться в яд. Определить наиболее эффективную и грамотную схему лечения пациента порой непросто. Но именно от этого зависит его здоровье, дальнейшая жизнь. Организованный в нашей стране I-й Республиканский конгресс "Человек и лекарство – Узбекистан" с международным участием стал для ученых, практикующих врачей, а также фармацевтов Узбекистана и стран СНГ открытой площадкой по обмену опытом, помог обсудить вопросы, на которые пока нет четких ответов, а возможно и найти таковые. Инициаторами проведения конгресса выступили Минздрав РУз и ТаШИУВ.

Столь масштабный международный конгресс, по словам профессора, зав. кафедрой гастроэнтерологии и физиотерапии ТаШИУВ Ферузы Хамрабаевой, можно назвать "первой ласточкой" в повышении уровня профессиональной осведомленности медиков и фармацевтов, налаживанию новых деловых контактов. Перед конгрессом, как отметила Ф. Хамрабаева, стоит целый ряд задач. Это и знакомство специалистов и широкой аудитории с новейшими достижениями в области здравоохранения, и грамотный подход к выбору медикаментозных средств, что поможет минимизировать риск

возникновения и развития побочных эффектов, разработка и внедрение клинических руководств, основанных на опыте доказательной медицины, повышение уровня практических навыков врачей и многое другое. Отличительными особенностями научного конгресса стали проведение мастер-классов, сателлитных конференций, интерактивного тестирования аудитории. В течение двух дней были заслушаны доклады по таким направлениям медицинской науки, как кардиология, неврология, пульмонология, гастроэнтерология, эндокринология и многие другие.

– Подобные конференции, –



рассказал доктор меднаук, профессор, заведующий отделом артериальных гипертензий Института кардиологии имени Н. Д. Стражеско (Украина) Юрий Сиренко, – дают врачам разных направлений увеличить свою практику, почерпнуть полезную научную информацию. Мой доклад посвящен артериальной гипертензии и ишемической болезни сердца, а также современным возможностям органопротекции. Ряд научных исследований показал преимущества такого препарата, как тиапризолин в сравнении со схожими ему лекарствами в лечении ИБС.

О важности правильного ле-

чения ишемической болезни сердца говорил в своем докладе и доктор меднаук, директор по научной работе, руководитель отдела ИБС при Республиканском специализированном центре кардиологии РУз Александр Шек. Именно грамотный, высококвалифицированный подход в медикаментозном лечении ИБС поможет значительно улучшить качество жизни пациентов, продлить ее.

Примечательно, что в рамках конгресса была особо подчеркнута роль наших кардиологов,

уже серьезно заявивших о себе во многих странах мира. Так, Узбекистан был достойно представлен молодыми учеными на прошедшем в этом году Московском международном форуме кардиологов.

Организованный у нас международный конгресс, несомненно, внесет свою лепту в дело укрепления партнерских связей между врачами Узбекистана и стран СНГ, поможет им вместе искать наиболее эффективные пути борьбы с различными заболеваниями.

Полосу подготовила
Оксана КАДЫШЕВА.
Фото Анвара САМАТХОДЖАЕВА.

Танлов

ҚИЗЛАРИМИЗГА ОРАСТАЛИК ЯРАШАДИ

Тиббиёт ва орасталик. Ушбу тушунчалар ўртасида бевосита бўлмасда, аммо боғлиқлик бор. Тиббиёт деганда саломатлик, поклик, тозалик, ўша орасталик ҳам тушунилади. Асносида эса биринчи навбатда аёл-шахс гавдаланади.

Танлов ҳайъати ҳамшира қизларимизнинг билими, эпчилу чаққонлигини назардан қочирмаган ҳолда, ҳар бир ҳаракатларида айнан орасталик таомиллари қандай ифода топаётганини синчковлик билан кузатиб борди. Албатта, ҳар бир иштирокчи бундай ўзига хос талабни яхши уддалади.

Дарҳақиқат, жамиятда қандай ўрин тутишидан қатъи назар, аёл оила бекаси деган шарафли номга эга бўлиши учун, муболағасиз, дунёга келганидан ҳаракат қилинади. Қадриятлар давомийлигида шаклландиган орасталик бу борада устун фазилатдир.

Танлов каби тадбирлар эса нафақат қизларимиз, балки авваломбор, уларнинг тарбиясига масъул бўлган ота-она, маҳалла-қўй, устозу муаллимларнинг саъй-ҳаракатларини баҳолаш ҳам демакдир.

“Обод турмуш йили” Давлат дастурида жамият барқарор ривожига хизмат қилувчи

деярли барча соҳа ва йўналишлар, жумладан, соғлиқни сақлаш тизими баробарида ўзини ўзи бошқариш органлари, хотин-қизлар ва ёшлар жамоалари фаоллигини янада оширишга алоҳида эътибор

қаратилгани бежиз эмас.

Айниқса, ижтимоий шерикчиликнинг янги-янги бўғинларини жорий этиш, чунончи, оилавий поликлиника ва маҳаллалар ҳамкорлигини кучайтириш энг муҳим масала сифатида белгиланган.

Пойтахтимиздаги 51-оилавий поликлиника ҳудудидаги Ғайратий номидаги, “Шаҳристон”, “Наврўз” ва “Хусниобод” маҳаллалари ташаббуси билан ўтка-



зилган “Ораста қизлар” танлови ҳам турмушимиз фаровонлиги, оилаларимиз мустаҳкамлиги, ёш авлод камолотиغا хизмат қилади деган умидда ташкил этилди.

Дастлабки саралашлардан муваффақиятли ўтган қизларимиз якуний босқичда яна беш марта синовдан ўтказилди. Танлов талабига кўра, охириги босқич шартлари, албатта, янада мураккаб бўлди.

Бироқ, қизларимиз, юқорида айтилганидек, барини яхши уддалашди. “Шаҳристон” маҳалласидан Нигора Содиқова голибликни қўлга киритди. Дилфуза Раҳимова, Нодира Икромова ва Ғўзал Тожибоевалар ҳам совринлардан четда қолишмади.

Ғўзал ҚОДИРОВА,
51-оилавий поликлиника
бош шифокори.

Аҳоли кенг қатлами учун

ПОЛЛИНОЗ ОҒИР ДАРДИМИ?

Фасллар келинчаги баҳорни ким севмайди дейсиз. Борлиқ яшил рангга бурканади. Айниқса, дарахтлар, ям-яшил ўсимликлар, рангбаранг гуллар – бутун оламга ўз чиройини кўз-кўз қилади ва бизни сеҳрлаб қўяди. Тўйиб-тўйиб кўклам тафтани, гуллар ифорини сипқоринг келади.

Аммо таассуфлар бўлсинки, ҳаммамиз ҳам шундай қила олмаймиз, бизни ҳаяжонга солган гуллар чанги ҳаммиша ҳам саломатлигинизга ижобий таъсир этавермайди. Уларнинг баъзилари тиббиёт тилида аллергия деб аталган ва ҳозирда кўпчиликини қийин аҳволга солиб қўяётган хасталикларни кўзгайди. Шундай ўсимликлар сингари, турли хил неъматлар, моддалар шу хусусияти учун аллергия деб аталади.

Уй ва ўсимликлар чанглари, уй ҳайвонларининг териси, қазгоғи ва жунлари, ҳар хил дори-дармонлар ва бир қатор озиқ-овқатлар аллергия хасталикларни зоҳир қилиши мумкин. Аммо, барча ўсимлик ва гуллар ҳам бундай ҳолатни келтириб чиқаравермайди. Чунончи, шимолда фазога таралган ўсимлик гуллари чанглариининг баъзи бирлари аллергия белгиларини келтириб чиқариши мумкин. Бу аллергиялар аксарият кишиларда тумов хасталиги ёки (“полин” инглизларда ўсимлик чанги дегани) бошқа ибора билан айтадиган бўлса – “пичан иситмаси” шаклида намён бўлади.

Бу хасталикни келтириб чиқарувчи бизга маълум омилларга тирак, шафтоли, мажнунтол, чинор сингари дарахтларнинг гуллари, шунингдек, исмалоқ, сули, тоғ ялпизи, эрмон, бурган, сассиқ ва хушбўй шира, маккажўхори, шувок, кунгабоқар ва бошқа ўнлаб ўсимликларнинг гуллари чангини киритиш мумкин.

Бу ўсимликларни шартли равишда 2 гуруҳга бўлиш мумкин: шамолда чангланувчи ва хашаротлар ёрдамида чангланувчи ўсимликлар. Ана шу ўсимликларнинг гуллаш даврига қараб хасталик хуруж қиладиган давр бошланади. Бунда беморнинг бурундан нафас олиши бирмунча қийинлашади (баъзан бурун бутунлай битиб қолиб, бемор фақат оғиздан нафас олади), бетиним акса уради, буруннинг шиллик

қавати шишади, ўткир тумов аломатларига хос белгилар бошланаркан, ҳатто беморга дастрўмолча етказиш қийин бўлиб қолади. Шунингдек, беморда бурун, танглай, кўз қичишади. Кўздан кетма-кет ёш оқади. Эрталаблари кўз атрофи шиллик пардасида йиринг пайдо бўлиши ҳам мумкин.



Бундан ташқари, беморларда умумий аҳволнинг оғирлашиши, бош оғриғи, баъзан қуруқ йўтал, сержаҳллик, тез чарчаш аломатлари қўшилиб боради. Аллергия тумовнинг хуружи шунчалик кучли бўладики, ҳатто беморни вақтинча ишга яроқсиз ҳам қилиб қўйиши мумкин. Бундан ташқари тумов кучая бориб, бурун шиллик қаватининг қон билан таъминланиши бузилади. Хасталикнинг қанчалик оғир ўтиши ҳаводаги ўсимлик чанглари миқдорига, касалликнинг мавсумий ўтишига ва ҳар бир беморнинг чангга нисбатан сезгирлик даражасига боғлиқ. Айниқса, ҳидга нисбатан ўта сезгир беморларда ҳаводаги турли ҳидларнинг сал ортиши, ҳаво хароратининг ўзгариши ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Хасталик ҳаво қуруқ, иссиқ бўлиб шамол эсган кунлари ниҳоят даражада кучаяди ва аксинча, бироз совуқ ҳавода ёки ҳатто эрта-лабки салқинлик вақтида анча “қўйиб” юборади ёки мўътадиллашади.

Юқорида баён қилиб ўтилган ҳолат-

ларга майда бронх ва бронх шиллик қаватлари ҳам қўшилса, у ҳолда беморнинг нафас олиши қийинлашади, натижада “чанг астмаси” белгилари вужудга келади. Бунда беморнинг кўриниши ўзгариб, йўталади, нафас олиш ва чиқариш оғирлашади, бемор бўғила бошлайди. Кўкариб кетади. Бу ҳолатни аллергия тумов билан оғриган ва оғриётган беморларнинг 20 фоизда кузатиш мумкин.

Хўш, одамларнинг шундай азият чекишларига фақат ўсимлик чангинга айбдорми? Йўқ, албатта бу “айбдор”лар қаторига хасталикнинг авж олишига туртки бўладиган бошқа омиллар ҳам киради. Жумладан, халқ хўжалиги тармоқларига кимёвий моддаларнинг тобора кўпроқ кириб келаётгани, атроф-муҳитнинг ифлосланиши, айниқса ҳаво оқимида канцероген, аллергия ва бошқа моддаларнинг кундан-кунга ортиб бориши, кимёвий дори-дармонларнинг таъбат оламида кенг ва беқиёс даражада кўп ишлатилиши, айниқса беморларнинг шу дориларни назоратсиз пала-партиш “ўзбилармонлик” билан истеъмол этишлари аллергия хасталиги кенг тарқалишига сабаб бўлади. Шундай экан дардан фориғ бўлиш йўли борми, деган савол туғилиши табиий албатта. Энг аввало шуни айтиб ўтиш керакки, кўпчилик беморлар хасталикнинг бошланиш даврини “ўтказиб” юборадилар. Тумов бўлибман дея ўзбилармонлик билан дори-дармон қилишади.

Хасталикни оддий дори-дармонлар билан даволаш эса ҳар доим ҳам кўнгилдагидек натижа беравермайди. Чунки уларнинг баъзиларининг ўзи беморда қўшимча аллергия ҳолатни келтириб чиқариши мумкин. Шунинг учун аллергияга мойил бемор ҳар бир дори ниҳоятда эҳтиёткорлик билан ёндашиб, аввал “синаб кўриб” сўнг истеъмол қилиши зарур. Бунда хасталик аломатини сезган бемор зудлик билан аллергиялог-шифокорга учраши ва назоратида бўлиши керак. Хасталикнинг олдини олиш учун имкон қадар аллергиядан узоқда бўлиш, унинг гуллаш даврида ҳаво алмаштириш – икклими намроқ ерларда дам олишга бориш,

агар бунинг иложи бўлмаса, аллергия ўсадиган далаларга, дала ҳовлиларга, боғларга бормаслик керак. Агарда шу ерда хизмат қилишга тўғри келиб қолса, у ҳолда кўз учун ҳимоя ойнаги ва ниқобидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Бу эса юқори нафас йўлларида аллергиялар таъсирини бир оз бўлсада камайтиради.

Поллиноз хасталигига чалинган беморлар ўз организмлари, айниқса юқори нафас йўллари чиниқтиришлари лозим. Ёввойи ҳолда ўсиб, атроф-муҳитга ўз аллергияларини тарқатувчи эрмон, шувок, шўра, бурган, исмалоқ сингари гиёҳларни йўқотиш, хасталикни олдини олувчи омиллардан биридир. Хасталик авж олган даврда ҳамда хуруж нафас сиқиш жараёни билан кечаётган даврда шамоллаб қолмаслик, муздек чанқовбосди ичимликларни истеъмол қилмаслик даркор. Шунингдек, шахсий гигиена қоидаларига амал қилиш, бемор ётадиган хонада чанг тутувчи нарсалар: гилам, парёстик сақланмаслиги, хонани нам латта билан тез-тез артиш, тозалаш лозим. Булардан ташқари, беморнинг овқатланишига эътибор муҳим ўрин тутаети. Ёз вақтида таркибида аллергиялар бўлмайдиган ёхуд аллергияни кўзгатмайдиган овқатларни истеъмол қилиш лозим. Балиқ, асал, лимон, писта-бодом, тортлар, товуқ гўшти, тухум, шоколад, апельсин, холва, писта ёғи, рангли чанқовбосди ичимликлар сингари аллергияни кўзгатадиган ва уни зўрайтирувчи озиқ-овқатлардан ўзини тийиш яхши самара беради.

Умуман, аллергия одами анча саросимага солиб қўядиган, баъзан узоқ йиллар давом этадиган хасталиқдир. Хасталик қанчалик ўз вақтида аниқланиб, даволанса, шунчалик қисқа вақт ичида ундан бутунлай ҳоли бўлиш мумкин. Бунинг ҳаммаси ўзимизга боғлиқдир. Кутбиддин НИЗОМОВ, Жамшидбек НАЗАРОВ, Республика аллергиялогия маркази.

Конференция

НОВЫЕ ГОРИЗОНТЫ ВРАЧЕБНОЙ ПРАКТИКИ

Насколько высок уровень профессионализма специалистов частных клиник? Всегда ли пациенты могут защитить свое право на получение квалифицированной помощи? Какими правами и обязанностями обладают сами врачи? В чем преимущества Интернет-обучения для медиков? Обсуждению этих и других вопросов был посвящен ежегодный совет Ассоциации врачей Узбекистана (АВУ), приоритетом деятельности которой является содействие развитию медицинской практики и науки в республике.

На повестку дня совета, в котором приняли участие члены президиума АВУ, а также руководители областных филиалов организации, было вынесено обсуждение итогов деятельности за минувший год. Так, говорилось о защите прав пациентов, а также частных врачей, о том, с какими спорными вопросами обращаются граждане в специальный комитет судмедэкспертизы при АВУ, об оказании поддержки нуждающимся в медпомощи почетным врачам ассоциации. Были даны комментарии к основным законодательным актам, принятым за последнее время в области здравоохранения,

обсуждены меры по ликвидации недостатков в управлении финансовыми средствами АВУ, их целевом использовании. В ходе конференции также намечены задачи на нынешний год, среди которых, к примеру, и усиление сотрудничества с ННО.

Как отмечалось, созданная более двадцати лет назад ассоциация сегодня объединяет большое число профессионалов в различных областях медицины со всей республики, имеет 14 отделений. Есть собственный печатный орган – журнал "Бюллетень Ассоциации врачей Узбекистана", в котором публикуются тексты лекций и задания, подготовленные

специалистами Ташкентского института усовершенствования врачей. Данное издание способствует повышению квалификации медицинских работников. Более того, ассоциация начала внедрение еще одной новой для страны формы повышения квалификации врачей – дистанционное образование. Необходимый ресурс доступен на официальном сайте ассоциации, который пока работает в тестовом режиме.

Об успехах деятельности организации можно судить и по тому факту, что с 1997 года АВУ является членом Европейского форума европейских медицинских ассоциаций.

В настоящее время мы заключили меморандум о сотрудничестве с ассоциацией врачей Южной Кореи, – рассказал в интервью нашей газете председатель комитета почетных врачей АВУ Эркин Турсунов. – Главной целью общения с зарубежными коллегами должен стать обмен опытом в медицинской практике, повышение ква-

лификации врачей ассоциации. В планах также открытие специальной клиники, где помощь пациентам будут оказывать наши специалисты, те, кто постоянно участвует в международных конференциях и симпозиумах, занимается самообразованием и совершенствованием своих навыков. На сегодняшний день благодаря АВУ повысить уровень своего профессионализма смогли более пятисот врачей. На поддержку молодых специалистов, которые в будущем, возможно, пополнят ряды АВУ, направлена учрежденная специальная стипендия ассоциации. Она выдается талантливым студентам семи медицинских вузов республики.

Участники встречи выразили уверенность, что деятельность ассоциации и в дальнейшем будет еще более плодотворной и поможет в деле сохранения здоровья граждан страны.

Оксана КАДЫШЕВА.

Обуна – 2013



Хурматли муштарийлар! «Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана» газетасига 2013 учун обуна мавсуми давом этмоқда. Азиз тиббиёт ходимлари ва муштарийлар! Республика тиббиёт тизимида амалга оширилаётган ижобий ишлар, фаолиятлар ҳамда янгиликлардан хабардор бўлишни истасангиз сеvimли газетангизга обуна бўлишни унутманг! Нашр индекси: 128.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тиббий фаолиятни лицензиялаш Кенгаши маълум қилади

Table with 4 columns: License No., Name, Address, and Contact Info. Includes entries for various medical centers and clinics.

Table with 4 columns: License No., Name, Address, and Contact Info. Includes entries for various medical centers and clinics.

(Давоми. Боши 6-7-бетларда).

Хурматли муштарийлар! Агар Сиз обуна бўлган худудда газетанинг кечикиб бориш ҳолатлари кузатилса, тахририятнинг куйидаги рақамларига мурожаат қилишингиз мумкин: (8371) 233-13-22, 233-57-73.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги вазир ўринбосари Асамидин Исахокович Камилловга турмуш ўртоғи Лолаxon Рахимовна МУХАМЕДОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана» газетаси жамоаси Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўринбосари Асамидин Исахокович Камилловга турмуш ўртоғи Лолаxon Рахимовна МУХАМЕДОВАнинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Газета муассиси: Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

Бош муҳаррир Асилбек ХУДАЯРОВ
Нашр учун масъул Бош муҳаррир ўринбосари Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Интернет саҳифаларидан фойдаланилган суратларга «@» шартли белгиси қўйилади.

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри, Истикбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.
Тел/факс: 233-13-22, тел.: 233-57-73. Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йилнинг 11 март куни рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Адади 8451 нусха. Буюртма Г-445.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажами 4 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.
Саҳифаловчи Бахтиёр ҚҶШОҚОВ. Навбатчи Владимир ПОЖОГИН.
Босмахонага топшириш вақти – 20.00.